ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

# Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун лойиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги НИЗОМ

Тошкент - 2007

**Ишлаб чиқилган ва киритилган:** НИИЭОСиНТ (мавзу раҳбари – Рашидов С., Ахмедов Б.А., Кременцов А.И.).

**Муҳаррирлар:** Бакирхонов Ф.Ф., Зайцев В.В., Шермухамедов А.Т., Гафуров М.М. (Даврхитектқурилиш), Абдукомилов Ш.Т. (Ўзшаҳарсозлик-ЛИТИ).

Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилишқўмнинг лойиҳаларнинг менежменти ва инжиниринги бўлими томонидан ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН (Зайцев В.В.).

"Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун лойиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақида"ги Низом Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш қўмитасининг 15 декабр 2003 йил №9 қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 8 январ 2004 йилда 1296-сон билан рўйхатга олинган.

Мазкур «Низом ..."ни 8 январ 2004 йилдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида киритилиши билан Даврхитектқурилишқўм томонидан 15 апрел 2003 йилда 22-сон билан тасдиқланган "Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун лойиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақида вақтинчалик методик қўлланма" ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш қўмитасининг рухсатисиз тўла ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва расмий нашр сифатида тарқатилиши мумкин эмас.

**Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун лойиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги**

# НИЗОМ

Мазкур Низом марказлашган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг лойиҳа-тадқиқот ишларини (бундан буён матнда ЛТИ) нархини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон фармони ва “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 12 сентябрдаги №395-сон Низомини амалга ошириш учун ишлаб чиқилган. Мазкур Низом, юқорида айтиб ўтилган ЛТИнинг чегаравий қийматларини фоизларда, объектлар қурилишининг келишув жорий баҳосидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

1. Низом, марказлашган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларнинг инвестицион жараёни қатнашчилари учун мажбурий ҳисобланади.

2. ЛТИ ўз ичига лойиҳа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва қурилишни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни ўз ичига олади, жумладан:

а) муҳандислик-тадқиқот ишлари;

б) томонлар ўзаро келишган босқичликка мувофиқ ҳолда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

в) буюртмачи ва пудратчи томонларидан лойиҳа ҳужжатларини экспертлик кузатиш ишлари;

г) қурилиш устидан муаллифлик назорат ишлари.

3. Лойиҳа ҳужжатларининг ишланиши №1 иловага мувофиқ ҳолда, турли босқичларда амалга оширилиши мумкин:

а) уч босқичли (бошланғич техник-иқтисодий асослаш (БТИА) ёки бошланғич техник-иқтисодий ҳисоб (БТ/.ИҲ), техник-иқтисодий асослаш (ТИА) ёки техник-иқтисодий ҳисоб (ТИҲ) ва иш ҳужжатлари);

б) икки босқичли (лойиҳа ёки эскизли лойиҳа ва иш ҳужжатлари);

в) бир босқичли (иш лойиҳа).

Лойиҳалаш схемасини, босқичлар сонини ва уларнинг лойиҳа ишларининг умумий ҳажмига нисбатини танлаш, лойиҳалаш топшириғи Билан белгиланади.

Шу билан бирга, лойиҳалашнинг ҳар бир босқичининг солиштирма ҳажми №2 иловада кўрсатилгандан юқори бўлиши мумкин эмас.

Танлов ҳужжатининг техник қисми, буюртмачи қарорига биноан лойиҳалаш босқичларининг бири асосида амалга оширилиши мумкин.

Танлов ҳужжатининг техник қисмини ишлаб чиқиш баҳоси №1 Иловада кўрсатилган лойиҳа ҳужжатларининг мувофиқ босқичи баҳосининг 15

фоизидан ошмаслиги керак ва у лойиҳа ишларининг умумий ҳажмига киритилади.

Лойиҳалаш қарорини танлов асосида ишлаб чиқишда, мукофот фонди қиймати лойиҳалаш ишларининг умумий қийматига киради ва лойиҳалашнинг умумий қийматининг 15 фоизидан ошмайди.

4. Бошланғич босқичда лойиҳалаш ишларининг қийматини аниқлаш учун қурилиш объектининг баҳоси ўхшаш-объектлардан фойдаланилган ҳолда, йириклаштирилган солиштирма қиймат кўрсаткичлари асосида ва таққослаш шартларини ҳисобга олган ҳолда, томонлар розилиги билан битим тузиш пайтидаги жорий нархларда белгиланади.

5. Лойиҳалаш ишларининг баҳоси лойиҳалаш ишлари бозоридаги жорий ҳолни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади ва танлов савдоси натижалари билан аниқ белгиланади. Бунда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

а) объектларнинг мураккаблик категорияси, №3 иловага биноан;

б) лойиҳалашни қийинлаштирувчи ва енгиллаштирувчи омиллар, №4 иловага биноан;

в) қизиқиш билдирган ташкилотлар билан лойиҳани келишиш.

Кўрсатилган параметрлар лойиҳалаштириш топшириғида белгиланган бўлиши ва битим тузилишига қадар томонлар билан келишилган бўлишилган керак.

6. ЛТИ баҳсини ҳисоблашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

а) қурилиши тугалланган ўхшаш-объектнинг ЛТИ баҳоси бўйича;

б) ресурсларнинг сарфланиши бўйича;

в) ўхшаш-лойиҳалар бўйича.

Бунда, ҳисоблаш усулининг танланиши ва бошқа омилларни ҳисобга олиниши келишув асосида белгиланади.

7. Муҳандислик-тадқиқот ишларининг ва қурилиш устидан муаллифлик назоратининг баҳоси, томонларнинг келишувига биноан жорий нархлардаги лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш баҳосидан фоиз ҳисобида белгиланади.

Шу билан бирга, мазкур Низомнинг 3 пунктида келтирилган ишларнинг мураккаблик даражасини ҳисобга олингандаги умумий қиймати №5 иловада келтирилган ЛТИ баҳосининг чегаравий кўрсаткичларидан ошмаслиги керак.

Чегаравий кўрсаткичлар назорат-эслатма сифатида бўлиб, улардан ҳисоблашда асос сифатида фойдаланиш манн этилади.

8. №5 Иловада келтирилган ЛТИ баҳосининг чегаравий қийматларини назорат қилиш жавобгарлиги буюртмачига юкланади.

9. ЛТИ баҳоси улар якунлангандан сўнг, уларнинг натижадаги қиймат кўрсаткичлари бўйича қайта ҳисобланмайди.

Шартномавий жорий нархларда
қуриладиган объектлар учун
лойиҳалаш тадқиқот ишлари
нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги
Низомига 1-илова

## Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг босқичлар бўйича схемаси

1. Уч босқичли: БТИА ёки БТИҲ* → ТИА ёки ТИҲ → ИҲ

2. Икки босқичли: Л ёки ЭЛ* → ИҲ

3. Бир босқичли: ИЛ*

**Изоҳ:**

1. Лойиҳавий ишларнинг умумий ҳажми босқичлар сонидан қатъий назар 100 фоиз ҳисобида олинади.

2. Схемада қуйидаги белгилардан фойдаланилган:

БТИА – бошланғич техник-иқтисодий асослаш;
БТИҲ – бошланғич техник-иқтисодий ҳисоб;
ТИА – техник-иқтисодий асослаш;
ТИҲ – техник-иқтисодий ҳисоб;
Л – лойиҳа;
ЭЛ – эскиз лойиҳа;
ИЛ – иш лойиҳа;
ИҲ – иш ҳужжатлари.

3. *белгиси билан лойиҳа ҳужжатининг тавсия қилинадиган босқичи тендер ҳужжатлари техник қисмининг асоси сифатида белгиланган.

Шартномавий жорий нархларда
қуриладиган объектлар учун
лойиҳалаш тадқиқот ишлари
нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги
Низомига 2-илова

## Лойиҳа ишлари баҳосининг лойиҳалаш босқичлари бўйича чегаравий қийматлари

| № т/р | Лойиҳалаш босқичи | Лойиҳавий ишларнинг умумий ҳажмидан чегаравий қиймати (фоизлар) |
|---|---|---|
| 1 | Бошланғич техник-иқтисодий асослаш (БТИА) ёки бошланғич техник-иқтисодий ҳисоб (БТИҲ) | 20 гача |
| 2 | Техник-иқтисодий асослаш (ТИА) ёки техник иқтисодий ҳисоб (ТИҲ) | 30 гача |
| 3 | Лойиҳа (шу билан бирга эскиз лойиҳа) | 60 гача |
| 4 | Иш лойиҳаси (бир босқичли лойиҳалашда) | 100 |
| 5 | Иш ҳужжатлари | 70 гача |

**Изоҳ:** Лойиҳалаш ишларини босқичларга ажратиш амалда 4-иловага мувофиқ белгиланади. Лойиҳалаш учун техник топшириқдаги бўлимлар умумий йиғиндиси 100 фоизни ташкил қилиши керак.

Шартномавий жорий нархларда
қуриладиган объектлар учун
лойиҳалаш тадқиқот ишлари
нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги
Низомига 3-илова

## Фуқаролар турар жойлари ва ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаштиришнинг мураккаблик даражаси

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | Микрорайонлар, кварталлар, комплекслар ва ҳ.к.з.қурилиши | | | | | | |
| 1.1 | Микрорайонлар, кварталлар, шаҳар қурилиши комплекси, бўлим, турар жой бинолари гуруҳи ва жамоат бинолар қурилиши лойиҳалари (турар-жой бинолари ва маданият саройларини мослашни ҳисобга олмаган ҳолда) | Турар жой бинолари ва маданият саройлари объектларини жойлаштиришда микрорайонлар (кварталлар)нинг лойиҳа бош чизиғи чегараларидаги муҳандислик тармоқларини қурилиш, ободонлаштириш, рельефни режалаштириш, кўкаламзорлаштириш меъморий-режалаштириш ечимлари (индивидуал объектларнинг солиштирма оғирлиги 20% гача бўлганда) | | | + | | |
| | | Худди шундай, 20 %дан зиёд | | | | + | |
| 1.2 | Шаҳарда кам қаватли коттеджлар қурилиши | | | | | + | |
| 1.3 | Ҳовли жойли уйлар қурилиши | | | | + | | |
| 1.4 | Жамоат боғлари | | + | | | | |
| 2 | Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш объектлари | | | | | | |
| 2.1 | Ҳудудлар мустақил объектлар сифатида лойиҳалаштирилганда уларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш | Оддий ободонлаштириш талаблари қўйилганида аҳоли жойлашган қишлоқ жойлар, коммунал ва саноат ҳудудларни | | + | | | |
| | | Ўртача ободонлаштириш талаблари қўйилганда ва кичик меъморчилик шакллари бўлганда шаҳар, дача, завод ҳудудларини | | | + | | |
| | | Юқори ободонлаштириш талаблари қўйилган ҳудудлар: мозорларни | | | | + | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 2.2 | Шамол ва шовқиндан сақловчи йўлкаларни ўрнатиш, велосипед, чана ва пиёдалар трассалари (теренкурлар)ни қуриш | | + | | | | |
| 3 | Тура ржой бинолари | | | | | | |
| 3.1 | Уларга хўжалик ва қўшимча қурилмалар | | + | | | | |
| 3.2 | Боғчадаги уйчалар, вақтинчалик (ёзги) тура ржой бинолари | | | + | | | |
| 3.3 | Кўп қаватли тура ржой бинолари ва ётоқхоналар | Бир хил лойиҳага мослаш | | | + | | |
| | | Индивидуал ишлов бериш | | | | + | |
| 3.4 | Шаҳар туридаги кам қаватли уйлар | | | | + | | |
| 3.5 | Кошоналар, боғли кошоналар, пешайвонли тура ржой бинолари ва шаҳар қурилишида айниқса юқори аҳамиятли кўп қаватли уйлар ва комплекслар. | | | | | | + |
| 4 | Маданият – маърифат муассасалари | | | | | | |
| 4.1 | Ўйин-кулги учун вақтинчалик павильонлар | | + | | | | |
| 4.2 | Маданият боғларидаги ўқув ва кўргазма павильонлар | | | + | | | |
| 4.3 | Кўргазма заллари, қишлоқ клублари, ҳовли музейлар, уй музейлар | | | | + | | |
| 4.4 | Маданият уйлари, кутубхоналар | | | | | + | |
| 4.5 | Миллий галереялар, кутубхоналар, маданият марказлар, масжидлар | | | | | | + |
| 5 | Томоша кўрсатувчи муассасалар | | | | | | |
| 5.1 | Кино ва видеофильмлар намойиши учун вақтинчалик павильонлар | | + | | | | |
| 5.2 | Ёзги эстрадалар ва кинотеатрлар | | | + | | | |
| 5.3 | Жойлари 1000 тагача бўлган кинотеатрлар, видеомарказлар | | | | + | | |
| 5.4 | Киноконцерт заллари ва жойлари 1000 дан ортиқ бўлган кинотеатрлар | | | | | + | |
| 5.5 | Театрлар, цирклар, музейлар | | | | | | + |
| 6 | Болалар ва ўқув муассасалари | | | | | | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 6.1 | Ўйин майдонлари, солярийлар, соғломлаштириш павильонлари | | | + | | | |
| 6.2 | Мактабгача бўлган болалар муассасалари, мактаблар | | | | + | | |
| 6.3 | Ихтисослашган мактаблар, лицейлар, гимназийлар, коллежлар | | | | | + | |
| 6.4 | Олий ўқув юртлари | | | | | + | |
| 6.5 | Университетлар | | | | | | + |
| 7 | Меҳмонхоналар | | | | | | |
| 7.1 | Меҳмонхоналар:<br>- 3 юлдузчагача бўлган | | | | + | | |
| | - 4 юлдузчагача бўлган | | | | | + | |
| | - 5 юлдузчагача бўлган | | | | | | + |
| 8 | Дам олиш ва туризм муассасалари | | | | | | |
| 8.1 | Палатали лагерлар, туристик турар жойлар, тўхташ жойлари, чанғи базалари | | + | | | | |
| 8.2 | Кемпинглар, мотеллар, 3-4 разрядли турбазалар, болалар ва ўспиринлар учун ёзги лагерлар, дам олиш базалари, альпинистлар учун турар жойлар | | | + | | | |
| 8.3 | Болалар ва ўспиринлар учун суткада тинимсиз ишлайдиган лагерлар | | | | + | | |
| 8.4 | Пансионатлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, жойи 500 гача бўлган санаторийлар | | | | | + | |
| 8.5 | 500 ва ундан кўп жойли санаторийлар, юқори разрядли туристик комплекслар | | | | | | + |
| 9 | Спорт қурилмалари | | | | | | |
| 9.1 | Ўйин майдонлари ва стадионлар | Қўшимча хоналарсиз | + | | | | |
| | | Мавсумли қўшимча хоналари бўлган | | + | | | |
| | | Трибунали ва трибуна ости хоналари бўлган | | | + | | |
| 9.2 | Бассейнлар | Очиқ | | | + | | |
| | | Ёпиқ | | | | + | |
| 9.3 | Жисмоний тарбия – соғломлаштириш комплекслари | Бассейнли | | | | + | |
| 9.4 | 40000 ва ундан кўп жойли стадионлар | | | | | + | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9.5 | 40000 ва ундан кўп жойли усти ёпиқ стадионлар, спорт саройлари | | | | | | + |
| 10 | Илмий тадқиқот муассасалари | | | | | | |
| 10.1 | Лойиҳа – конструкторлик ташкилотлар | | | | + | | |
| 10.2 | Ихтисослашган ИТИ ва лабораториялар | | | | | + | |
| 10.3 | Илмий тадқиқот ва академик марказлар. | | | | | | + |
| 11 | Савдо, умумий овқатланиш, аҳолига коммунал-маиший ҳизматлар кўрсатиш муассаса-лари | | | | | | |
| 11.1 | Вақтинчалик павильонлар, киосклар, навеслар | | + | | | | |
| 11.2 | Магазинлар, суткада тинимсиз ҳизмат кўрсатувчи, маиший ҳизматлар кўрсатувчи муассаса-лар (ошхоналар, кафелар, маи-ший ҳизмат кўрсатиш пункт-лари) | | | | + | | |
| 11.3 | Савдо уйлари, йирик универсал ва ихтисослашган дўконлар, супермаркетлар, ресторанлар | | | | | + | |
| 12 | Алоқа муассасалари | | | | | | |
| 12.1 | Алоқа бўлимлари, автомат телефон станциялар | | | | + | | |
| 12.2 | Почтамтлар, телеграфлар, почтани ажратиш бўлимлари | | | | | + | |
| 12.3 | Алоқа бўлимлари бўлган автомат телефон станциялар | | | | | + | |
| 13 | Маъмурий-хўжалик бинолари | | | | + | | |
| 13.1 | Маъмурий бинолар, конторалар | | | | + | | |
| 13.2 | Шаҳар ва район Ҳокимиятлари, ижтимоий-сиёсий фаолият мар-казлари, ҳукумат муассасалари, бизнес марказлар, кўп функция-ли шаҳар бинокорлик комплекс-лари (4 ва ундан зиёд функция-ли) | | | | | | + |
| 13.3 | Банклар, биржалар, банк бўлимлари | | | | | + | |
| 13.4 | Ҳисоблаш маркази | | | | | + | |
| 14 | Соғлиқни сақлаш объектлари | | | | | | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 14.1 | Поликлиникалар, амбулатория-лар, дорихоналар, касалхона-ларнинг хўжалик қисмлари, тез тиббий ёрдам станциялари, сут маҳсулотлари ошхонаси, СЭС | | | | + | | |
| 14.2 | Касалхоналар, тиббиёт марказ-лари, даволаш, даволаш-диаг-ностика бинолари, касалхона комплекслари, қон қуйиш стан-циялари | Асосан стандарт жиҳоз ва анжомлар | | | | + | |
| 14.3 | Ихтисослашган тиббиёт марказ-лари, кўп профили касалхона-лар, туғруқхоналар, даволаш бинолари | Ноёб жиҳоз ва анжомлар, янги технологиялар | | | | | + |
| 15 | Суд ва юридик муассасалар ва жамоат тартибини сақлаш муассасалари | | | | | | |
| 15.1 | Тергов изоляторлари, милиция таянч пунктлари | | | | + | | |
| 15.2 | Аҳлоқ тузатиш-меҳнат кўрсатиш муассасалари | | | | | + | |
| 16 | Саноат энергетик, мелиоратив, қишлоқ хўжалик ва коммунал объектлар | | | | | | |
| 16.1 | Металлургия ва электротехника саноати корхоналари | | | | | | + |
| 16.2 | Автозаводлар, янги технология заводлари | | | | | | + |
| 16.3 | Газ ва нефтни қайта ишлаш комплекслари | | | | | | + |
| 16.4 | Текстил комбинатлари | | | | | | + |
| 16.5 | Ипак йигириш фабрикалари | | | | | + | |
| 16.6 | Пойафзал фабрикалари | | | | | + | |
| 16.7 | Гидроэлектростанциялар | | | | | | + |
| 16.8 | Сув омборлари | | | | | | + |
| 16.9 | Ҳудудлараро суғориш каналлари ва коллекторлар | | | | | | + |
| 16.10 | Мелиоратив тизимлардаги гидротехник иншоотлар | | | | | | + |
| 16.11 | Суғориш тизимларидаги насос станциялари | | | | | + | |
| 16.12 | Янги ерларни суғориш | | | | | + | |
| 16.13 | Суғориладиган ерларни реконструктция қилиш | | | | | + | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 16.14 | Автотранспорт корхоналари, жумладан: автойўлмехбаза, автопарклар, электр транспорти корхоналари (троллейбус, трамвай деполари) | Саноат зоналаридаги лойиҳалаш | | | + | | |
| | | Юқори талабли марказлар ва магистраллар яқинида лойиҳалаш | | | | + | |
| 16.15 | Гаражлар | Тозалаш қурилмалари бўлмаган бир қаватли ва боксли | + | | | | |
| | | Тозалаш қурилмалари бўлган | | + | | | |
| | | Кўп қаватли ер усти ва ер ости | | | + | | |
| 16.16 | Ишлаб чиқариш базалари:<br>- қурилиш ва монтаж ташкилотларининг<br>- аҳоли транспорти корхоналарининг | | | | + | +<br>(аҳоли транспорти корхоналарининг) | |
| 16.17 | Районлар иссиқлик станциялари ва қозонхоналар | | | | | + | |
| 16.18 | Омборлар, ангарлар, қишлоқ хўжалик, шаҳар-хўжалик иншоотлари | Мавсумли | + | | | | |
| | | Муҳандислик таъминоти билан | | + | | | |
| 16.19 | Моддий-техник таъминот омбор бинолари, ишлаб чиқариш, но озиқ-овқат ва бошқа мақсаддаги базалар | Муҳандислик анжомли | | | + | | |
| 16.20 | Пахта заводлари | | | | + | | |
| 16.21 | Агросаноат комплекси объектлари | Муҳандислик таъминоти бўлган мавжуд корхоналарда | | | + | | |
| 16.22 | Нонвойхоналар | | | | + | | |
| 16.23 | Оранжерея – иссиқ хоналар | Мураккаб анжомларсиз | | + | | | |
| 16.24 | Консерва, кулинария, колбаса, кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехлари | | | | | + | |
| 16.25 | Фуқаролар мудофааси иншоот-лари, ер ости гаражлари - стоянкалар | | | + | | | |
| 16.26 | Ёнилғи қуйиш шохобчалари, автомобилларга техник ҳизмат кўрсатиш ва диагностика станциялари | | | + | | | |
| 16.27 | Чиқинди қайта ишлаш заводлари, чиқинди қайта юклаш станциялари | | | | | + | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 16.28 | Кир ювиш – жойлари, кимёвий тозалаш бинолари, ҳаммомлар | | | | + | | |
| 16.29 | 1 ва ундан юқори разрядли ҳаммом-соғломлаштириш комплекслари | | | | | + | |
| 17 | Шаҳар ва квартал иншоотлари ва коммуникациялари (уларни алоҳида объектлар сифатида лойиҳалаштирилганда) | | | | | | |
| 17.1 | Сув, газ қувурлари, канализация (шу ҳисобда ёмғир канализациялари), алоқа магистраллари ва тармоқлари, дренажлар, электр тармоқлари, ташқи электр чироқлари, телевидения, радио, телефон кабель тармоқлари | Бинолар бўлмаган шаҳар олди зоналарида ва ер ости коммуникациялар мавжуд бўлган жойларда якка йўналишли тармоқни лойиҳалаштириш | | | + | | |
| | | Мавжуд ер ости коммуникациялари бўлганда, шаҳар йўллари бўйлаб ва шаҳарнинг бинолари кўп бўлган жойларда лойиҳалаштириш | | | + | | |
| | | Темир йўл ёки метрополитен билан кесишадиган ер усти ёки ер ости иншоотлари яқинида, мураккаб гидрогеологик шароитларда махсус ташқи ёритиш усулларидан фойдаланилган ҳолда, ёпиқ кавлаб боришни қўллаган ҳолда тармоқларни лойиҳалаштириш. | | | | | + |
| | | Бир неча коммуникацияларни бирга қўшиб ўтказиш (3 дан кўп) | | | | + | |
| | Электр алоқа тизими, электр энергияси ва бошқа ресурсларни ҳисоб қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари, муҳандислик ускуналарини автоматик бошқариш тизими | | | | | | |
| 17.2 | Битирилган марказий иссиқлик пунктлари | | | | | | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 17.3 | Шаҳар транспорт иншоотлари: кўприклар, тоннеллар, осма йўллар, эстакадалар, пиёдалар йўлкалари, қирғоқ причаллари, темир йўллар, автомагистраллар, сув тўсиқлари устидан муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун кўприкли ўтиш жойлар. | Оддий конструкцияларни қўллаган ҳолда, шаҳар олди зоналарда ёки шаҳарнинг иншоотлардан ҳоли бўлган жойларида лойиҳалаштириш | | | + | | |
| | | Индивидуал конструкциялардан фойдаланилган ҳолда янги районларда лойиҳалаштириш | | | | + | |
| | | Индивидуал конструкциялардан қурилган ҳудудларда йирик ер ости йўлли пиёдалар ўтиш жойларини лойиҳалаштириш | | | | | + |
| 17.4 | Шаҳар транспорт магистраллари, кўчалар ва йўллар, трамвай йўллари, квартал ичи йўллари, йўллар остин-устин ўтадиган чорраҳалар, автостоянкалар, охирги бекатлар ва умумий транспорт воситаларининг тўхтаб тури шва сақланиш майдонлари (шу қаторда: ҳизмат кўрсатиш иншоотлари ҳам бўлган), пиёдалар кўчалари, йўлаклар, боғлардаги аллеялар ва йўлаклар | Шаҳарнинг иншоотлардан бўш жойларида, белгиланган лойиҳа бош чизиқлари, сатҳ белгилари ва кўндаланг кесим бўйича, 5 дан 40% гача эгриликлари бўлган рельеф ҳудудида лойиҳалаш | | | + | | |
| | | Таянч иншоотлари бўлган ёки белгиланган лойиҳа бош чизиқлари, сатҳ белгилари ва кўндаланг кесим бўйича 0 дан 5% гача ва 40% дан кўп рельеф эгриликлари бўлган ҳудудларда лойиҳалаш | | | | + | |
| | | Суғориш тизими мавжуд бўлганда лойиҳалаш ёки лойиҳа бош чизиқларини, сатҳ белгиларини ва кўндаланг кесимни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш билан лойиҳалаш | | | | | + |
| 17.5 | Коммуникацион тоннеллар (ер ости коммуникациялари учун коллекторлар) ва иссиқлик тармоқлари | Шаҳарнинг иншоотлар ва мавжуд ер ости коммуникациялардан ҳоли бўлган қисмида лойиҳалаш | | | + | | |
| | | Шаҳарнинг қурилган қисмида, бошқа ер ости коммуникациялари билан бирга ёки мавжуд бўлганлари билан бирга лойиҳалаш | | | | + | |

| № т/р | Лойиҳалаш объекти | Тавсиф | Лойиҳалашнинг мураккаблик категорияси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | Y |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | Коммуникацияларни бирга қўшиб ўтказишда, мураккаб гидрогеологик шароитларда, махсус усулларни, индивидуал конструкцияларни, ёпиқ кавлаб боришни қўллаган ҳолда, темир йўл ёки метрополитен билан кесишган ҳолда лойиҳалаштириш | | | | | + |
| 17.6 | Қурилишнинг махсус услубларини лойиҳалаш (сув сатҳининг пасайиши, музлатиш, грунтни кимёвий қотириш, грунтдаги девор, пастлашувчи қудуқлар, автомобиллар қатнайдиган катта йўл ва темир йўл тагидаги туйнуклар ва ҳ.к.з.) | | | | | + | |
| 17.7 | Ер ости манбаларидан сув тўплагичлар, газ узатувчи станциялар (пунктлар), трансформаторли қуйи станциялар, тақсимловчи пунктлар | | | | + | | |
| 17.8 | Табиий, хўжалик ва ишлаб чиқариш оқава сувларини тозалаш иншоотлари | | | | + | | |
| 17.9 | Гидротехник иншоотлар | | | | | + | |
| 17.10 | Шаҳар ҳовузлари | | | | + | | |
| 17.11 | Ер усти манбаларидан сув тўплагичлар, сув қувурлари, канализацион насос станциялари | | | | | + | |
| 17.12 | Электр коррозиядан актив ҳимояни лойиҳалаштириш | | | | | + | |
| 17.13 | Вокзаллар, аэропортлар | Ички йўналишлардаги барча турдаги | | | | + | |
| | | Республикалараро ва халқаро йўналишлардаги | | | | | + |

**Изоҳ:**

1. Рўйхатда бўлмаган объектларнинг категорияси мувофиқ вазифани бажарувчи объектлар категорияси сифатида олинади.

2. Объектнинг категориясини аниқлаш учун 3 устунда кўрсатилган белгиларнинг фақат биттасининг мавжудлиги етарли.

3. Объектларнинг мураккаблик кактегорияси I дан V гача ўсиб боради.

Шартномавий жорий нархларда
қуриладиган объектлар учун
лойиҳалаш тадқиқот ишлари
нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги
Низомига 4-илова

**Лойиҳалашни мураккаблаштирувчи ва енгиллаштирувчи омиллар ва тузатувчи коэффициентлар қийматлари**

| № т/р | Омиллар | Тузатувчи коэффициентлар қийматлари |
|---|---|---|
| 1 | Объектнинг махсус, ўзига хос сифатида | 1,5 |
| 2 | Кўп маротабали объектларни (асос лойиҳаларни), индивидуал ва экспериментал лойиҳаларни ишлаб чиқиш | 1,4 |
| 3 | Мураккаб ҳудудларда (ҳудуднинг торлиги, қурилиш учун ҳудудда махсус тайёрлаш ишларини олиб бориш зарурати, сейсмиклик, чўкувчи ва бўш грунт, юқори даражадаги грунт сувининг мавжудлиги ва ҳ.к.з.) жойлаштириладиган объектлар. Қўлланиладиган архитектура, техник ва муҳандислик фикрларининг янгилиги | 1,2 |
| 4 | Қадимий обидалар бўлган жойларда қуриладиган объектлар | 1,3 |
| 5 | Объектлар реконструкцияси | 1,4 |
| 6 | Қайта ихтисослаштиришли ёки мавжуд корхона шартлари асосида реконструкция | 1,8 |
| 7 | Лойиҳалаштиришга берилган қисқа муддат | 1,2 |
| 8 | Асосий (кўп мартали) лойиҳаларни «мослаш”да лойиҳавий қарорларни қайта ишлаш:<br>- фундаментни қайта ишлаш билан<br>- ер усти қисмини қайта ишлаш билан (шу қаторда мансард қаватларни) | <br><br>0,5<br><br>0,6 |

**Изоҳ:** Икки ёки ундан кўп омиллар мавжуд бўлганда, мувофиқ коэффициентлар кўпаяди.

Шартномавий жорий нархларда
қуриладиган объектлар учун
лойиҳалаш тадқиқот ишлари
нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги
Низомига 5-илова

## Лойиҳалаш ишлари баҳосининг чегаравий қийматлари

| № т/р | Қурилиш баҳосининг жорий даражаси (кап.ремонт ва реконструкциянинг) млн.сўм | Мураккаблик даражаси бўйича қурилишнинг баҳоси фоизида олинадиган лойиҳалаш ишлари баҳосининг чегаравий қийматлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | I | II | III | IV | V |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** |
| 1. | 10,0 гача | 7,00 | - | - | - | - |
| 2. | 25,0 гача | 6,0 | 7,0 | - | - | - |
| 3. | 50,0 гача | 5,0 | 6,0 | 7,0 | - | - |
| 4. | 100,0 гача | 4,0 | 5,5 | 6,0 | 7,0 | - |
| 5. | 250,0 гача | - | 5,0 | 5,5 | 6,0 | 7,0 |
| 6. | 500,0 гача | - | 4.5 | 5.0 | 5,5 | 6,5 |
| 7. | 750,0 гача | - | 4,0 | 4.5 | 5.3 | 6,0 |
| 8. | 1000,0 гача | - | - | 4,4 | 5,0 | 5,3 |
| 9. | 2500,0 гача | - | - | 4,3 | 4.8 | 5,2 |
| 10. | 5000,0 гача | - | - | 4.2 | 4,6 | 5,1 |
| 11. | 7500,0 гача | | | 4,0 | 4,5 | 5,0 |
| 12. | 10000,0 гача | - | - | - | 4.3 | 4,8 |
| 13. | 25000,0 гача | - | - | - | 4,2 | 4,7 |
| 14. | 50000 ,0 гача | - | - | - | 4,1 | 4,5 |
| 15. | 75000,0 гача | - | - | - | 4,0 | 4.2 |
| 16. | 100000,0 гача | - | - | - | - | 4,1 |
| 17. | 100000,0 дан | - | - | - | - | 4.0 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

**Изоҳ:** Объектларнинг мураккаблик категорияси I дан V гача ўсиб боради.

**Государственный комитет Республики Узбекистан**
**по архитектуре и строительству**

# ПОЛОЖЕНИЕ
## о порядке определения стоимости проектно-изыскательских работ на строительство объектов в договорных текущих ценах

**Ташкент - 2007**

**Разработано и внесено:** НИИЭОСиНТ (Рашидов С. – руководитель темы, Ахмедов Б.А., Кременцов А.И.).

**Редакторы:** Бакирханов Ф.Ф., Зайцев В.В., Шермухамедов А.Т., ГафуровМ.М. (Госархитектстрой РУз), Абдукамилов Ш.Т. (Узшахарсозлик-ЛИТИ).

Подготовлено к утверждению отделом инжиниринга и менеджмента проектов Госархитектстроя Республики Узбекистан (Зайцев В.В.).

Утверждено постановлением №9 от 15 декабря 2003 года. Госархитектстроя Республики Узбекистан, зарегистрировано в Минюсте Республики Узбекистан 8 января 2004 года № 1296.

С вводом в действие настоящего «Положения…” утрачивает силу «Временные методические указания по определению договорных цен на проектно-изыскательские работы, экспертизу и авторский надзор за строительством”, утвержденные приказом Госархитектстроя Республики Узбекистан от 15 апреля 2003 года №22.

Настоящий документ не может быть полностью или частично воспроизведен, тиражирован и распространен в качестве официального издания без разрешения Госархитектстроя Республики Узбекистан.

**Положение**
**о порядке определения стоимости**
**проектно-изыскательских работ на строительство**
**объектов в договорных текущих ценах**

Настоящее Положение разработано во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 6 мая 2003 года № УП 3240 «Об основных направлениях дальнейшего углубления экономических реформ в капитальном строительстве» и постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 сентября 2003 года № 395 «О мерах по совершенствованию механизма хозяйственных отношений в капитальном строительстве» для определения стоимости проектно-изыскательских работ (далее по тексту ПИР) инвестиционных проектов, финансируемых за счет централизованных источников и устанавливает их предельные размеры в процентах от договорной текущей стоимости строительства объектов.

